

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**19-сон**  
**(103)**  
**2004 й.**  
**май**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

213. «1993 йил 24 сентябрда имзоланган Давлатлараро Евроосиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш тўғрисидаги битимнинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги баённомани ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 30 апрелдаги 622–II-сон қарори
214. «Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 30 апрелдаги 623–II-сон қарори
215. «Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 30 апрелдаги 624–II-сон қарори
216. «Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида тутиб топшириш тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 30 апрелдаги 625–II-сон қарори
217. «Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида Консуллик конвенциясини ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг 2004 йил 30 апрелдаги 626–II-сон қарори

218. «Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида Консуллик конвенциясини ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 30 апрелдаги 627–II-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

219. «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сон қарори [Кўчирма]
220. «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарори [Кўчирма]
221. «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 220-сон қарори
222. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 майдаги 226-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

223. «Биржа савдоларида ўсимлик мойини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 5 апрелдаги 25, 01/24-18, 46, 01/1-10, 42-01/156-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 11 майда 1350-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
224. «Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Кўмир» АЖ, «Ўздавэнергоназорат», Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 8 апрелдаги 27, 01/24-19, 59, 01-12/56, БТ-01-02/464, 42-01/171-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 11 майда 1351-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
225. «Биржа савдоларида қора металллар прокатини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АИБ, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 8 апрелдаги 28, 01/24-20, 58, 01-1/74, 42-01/172-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 11 майда 1352-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

226. «Республика ҳудудида маҳаллий, идоравий, ҳудудий ва бошқа ахборот-ҳисоблаш тармоқларини тузиш, жорий этиш ҳамда фойдаланиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низом давлат реестридан чиқариш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 108-мх-сон буйруғи. (2004 йил 12 майда давлат реестридан чиқарилди)
227. «Ахборот-компьютер тармоқлари тузиш лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги низом давлат реестридан чиқариш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 109-мх-сон буйруғи. (2004 йил 12 майда давлат реестридан чиқарилди)
228. «Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржаси аукцион савдоларида пахта момигини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 5 апрелдаги 26, 01/24-17, 47, 10/773-А, 42-01/155-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 майда 1353-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
229. «Биржа савдоларида оқишқокни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздонмахсулот» АК, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 14 апрелдаги 31, 01/24-23, 62, 451, 42-01/193-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 майда 1354-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 8 майдан 14 майгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

### **213** 1993 йил 24 сентябрда имзоланган Давлатлараро Евроосиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш тўғрисидаги битимнинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги баённомани ратификация қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1993 йил 24 сентябрда имзоланган Давлатлараро Евроосиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш тўғрисидаги битимнинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги баённома ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
622-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

### **214** Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
623-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

**215** Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
624–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

**216** Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида тутиб топшириш тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида тутиб топшириш тўғрисидаги шартнома ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
625–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

**217** **Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида Консуллик конвенциясини ратификация қилиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида Консуллик конвенцияси ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
626–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

**218** **Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида Консуллик конвенциясини ратификация қилиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида Консуллик конвенцияси ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
627–II-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **219** Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

#### [Кўчирма]

Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларининг (кейинги ўринларда матнда «портловчи моддалар» деб юритилади) хавфсизлигини таъминлаш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда ушбу материаллар жиноят мақсадларида ўғирланиши, талон-торож қилиниши, фойдаланилишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасига олиб киришда назорат қилинадиган саноат мақсадидаги портловчи материаллар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Саноат мақсадидаги портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

саноат мақсадидаги портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш фақат портлатиш ишларини бажариш учун лицензияларга эга бўлган саноат корхоналарининг буюртманомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бериладиган рухсатномалар асосида юридик шахслар томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига алюминий кукуни ва қурумани (ТИФ ТН кодлари 760310000, 760320000) олиб кириш истеъмолчи корхоналарнинг асосланган буюртманомалари асосида фақат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади;

портловчи моддалар махсус жиҳозланган автотранспорт воситалари ва темир йўл вагонларида фақат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуролланган бўлинмалари соқчилиги остида ташилади;

портловчи моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳаво кенглигида фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари билан ташиш қатъиян тақиқланади. Истисно ҳолларда бундай ташиш фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари билан хавфсизликнинг зарур чора-тадбирларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори бўйича амалга оширилиши мумкин;

узок вақт сақланадиган портловчи материаллар омборлари Ички ишлар вазирлигининг бўлинмалари томонидан қўриқланади, қисқа муддатли, кўчма сарфлаш ва ер ости омборлари Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари ёки идоравий ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати томонидан қўриқланиши мумкин;

портловчи моддаларни ҳисобга олиш, сақлаш, транспортда ташиш ва улардан

фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат «Саноат-контехназорат» давлат инспекцияси билан биргаликда Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аввал чиқарилган қарорларига мувофиқ тузилган портловчи материалларни харид қилиш ва олиб киришга контрактлар улар бўйича мажбуриятлар бажарилгунга қадар амал қилади.

3. Зарядни масофадан туриб (контактсиз) портлатиш қурилмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва улардан портлатиш ишларини бажаришда фойдаланиш тақиқлансин.

Навоий кон-металлургия комбинатига «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Электромагнит мослик маркази томонидан рухсат берилган частотада ишлаш шарти билан Мурунгов қонида қудуқ зарядлари блоklarини масофадан туриб бошқаришга махсус мўлжалланган «Друза-М» типидagi портлатиш аппаратини олиб киришга истисно тариқасида рухсат берилсин.

Навоий кон-металлургия комбинати раҳбариятига (Н.И. Кучерский) хавфсизлик чора-тадбирларига риоя қилган ҳолда мазкур аппаратни олиб кириш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ундан мақсадли фойдаланиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ички ишлар вазирлиги (З.А. Алматов) «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси (Р.Т. Саидов) билан биргаликда Навоий кон-металлургия комбинатидаги мавжуд «Друза-М» типидagi зарядни масофадан туриб (контактсиз) портлатиш қурилмалари сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун қатъий назоратни таъминласин.

5. Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси (Б.А. Матлюбов), Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси (Ф.Қ. Тишаев) саноат мақсадидаги портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин.

6. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси (Р.Т. Саидов) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, Давлат геология қўмитаси, «Ўзавтйўл» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти, «Навоий кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзбекпортлатишсаноат» очиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда замонавий талабларни ва шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда:

бир ой муддатда — Портловчи материалларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни ташиш қоидаларини (уларда мутахассисларга қўйиладиган ишлаб чиқариш талаблари ва ишга қўйишни расмийлаштириш тартиби назарда тутилсин);

2005 йил 1 январгача — Портлатиш ишларини бажаришда хавфсизликнинг ягона талабларини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Икки ой муддатда портловчи материалларни ишлаб чиқарадиган ёки улардан фойдаланадиган корхоналарда портловчи материаллар, портлатиш қурилмаларини ташиш, сақлаш ва портлатиш ишларини амалга оширишга қўйилган ходимлар аттестациядан ўтказилсин.

8. Адлия вазирлиги (А.А. Полвон-зода) вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби Р. Мирзаев зиммасига юклансин.

### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 май,  
213-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 6 майдаги 213-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикасига олиб киришда назорат қилинадиган саноат мақсадидаги портловчи материаллар рўйхати

Т/р	Номи	ТИФ ТН
1.	Тетрил (аммоний нитрити) ва портловчи моддалар хоссаларига эга бўлган бошқа нитритлар	283410000 дан
2.	Тэн (пентаэритриттетранитрат) ва портловчи моддалар хоссаларига эга бўлган бошқа нитритлар	283429800 дан
3.	Симобли портловчи модда (симоб фульминати) ва портловчи моддалар хоссаларига эга бўлган бошқа фульминатлар	283800000 дан
4.	Тротил, гранутол, тринитротолуол ва портловчи моддалар хоссаларига эга бўлган бошқа нитритлашган ёки нитритлаштирилган ҳосила углеводородлар	290420000 дан
5.	Тринитрофенол (пикрин кислотаси) ва бошқа портловчи моддалар хоссаларига эга бўлган нитритлаштирилган ҳосила феноллар ёки фенол спиртлар	290890000 дан
6.	Гексоген, триметилентринитрамин ва портловчи моддалар хоссаларига эга бўлган бошқа гетероциклик бирикмалар	293369100 дан
7.	Порох	360100000
8.	Тайёр портловчи моддалар, порохдан ташқари	360200000
9.	Бикфорд пилтаси; портловчи пилталар;	360300100
10.	Бикфордларнинг бошқа пилталари; портловчи пилталар; зарбали ёки портлатувчи пистонлар; запаллар; электродетонаторлар	360300900
11.	Бошқа сигнал ракателари, ёмғир ёғдириладиган ракеталар, туманга қарши сигналлар ва мушакбозликнинг бошқа бумлари	360490000

Изоҳ: Рўйхатда товарлар фақат Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН бўйича товар коди билан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН бўйича товар кодига «дан» қўшимчаси қўшилса, бу портловчи материалларга тегишли деб топиш фақат иккинчи устунда номма-ном қайд этилган товарларга нисбатан қўлланилишини кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 6 майдаги 213-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Саноат мақсадидаги портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасига олиб киришда назорат қилинадиган саноат мақсадидаги портловчи материаллар рўйхатига киритилган портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини (кейинги ўринларда матнда «портловчи материаллар» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартибини белгилаб беради.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш портловчи материалларни яратиш, ишлаб чиқариш, транспортда ташиш, сақлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширувчи юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

2. Портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши ва қўлланилишига «Саноат-контехназорат» давлат инспекцияси томонидан рухсат берилган портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга рухсат берилади.

4. Ўзбекистон Республикасига портловчи материаллар жисмоний шахслар томонидан олиб кирилиши, шу жумладан кузатиб борилмайдиган бажада олиб кирилиши тақиқланади.

5. Олиб кириладиган портловчи материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташиш жўнатувчининг таъминлаши (тамғаси) ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуролланган бўлинмалари соқчилиги остида алоҳида тўланадиган ҳақ эвазига махсус жиҳозланган автотранспорт воситалари ва темир йўл вагонларида амалга оширилади.

6. Портловчи материалларни ташиётган транспорт воситалари (олиб киришга рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда) Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтказиш манзиллари орқали устувор тартибда ўтказиб юборилади.

7. Портловчи материаллар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилганда, уларнинг божхона расмийлаштируви ва назорати Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳақидаги қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Портловчи материалларнинг божхона текшируви фақат махсус жиҳозланган жойларда (портловчи материаллар сақланадиган омборларда) амалга оширилади.

9. Зарур ҳолларда божхона органларининг тақдимномаси бўйича Ички ишлар вазирлиги олиб кириладиган товарлар пробалари ва намуналарини портловчи материалларга тегишлилик юзасидан идентификация қилади.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материаллар транзити Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## II. Портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби

11. Портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга рухсатнома олиш учун ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

портловчи материаллар қўлланилиши мақсадлари ва улар қўлланиладиган объектлар, миқдори, маркаси ва номи, олиб киришнинг аниқ муддатлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш манзили, фойдаланиладиган транспорт тури, юк жўнатиладиган ва тушириладиган манзиллар тўғрисидаги маълумотлар, юкни ташиш учун тақдим этаётган ташкилотнинг номи, юкни олувчи ташкилотнинг номи, ташиш йўналиши ва портловчи материаллар сақланадиган жой (портловчи материаллар омбори) кўрсатилган ҳолда портловчи материалларни олиб киришга рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза;

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси, БМТ номенклатураси бўйича юкнинг хусусияти, моддаларнинг классификация шифри, агрегат ҳолати, хавfli хоссалари тўғрисидаги маълумотлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган (божхона органларида рўйхатдан ўтказилгунгача) портловчи материалларни етказиб беришга контракт (шартнома), олиб кириш бир неча туркумларда амалга оширилган тақдирда — ташиш жадвали;

олиб кириладиган портловчи материаллар Ўзбекистон Республикасида қўлланилишига ва портлатиш ишларини бажариш ҳуқуқига «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг рухсатномаси;

портловчи материалларни сотиб олишга ва уларни сақлаш омборларидан фойдаланишга «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг гувоҳномаси;

ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган тартибда берилган олиб кириладиган портловчи материалларга мувофиқлик сертификати;

маҳсулотни тайёрловчига халқаро стандартларга (ISO-9001, 9002) мувофиқ берилган маҳсулот сифати сертификати;

портловчи материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташишга ички ишлар органларининг рухсатномасини расмийлаштириш учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар;

ариза кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчи томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

авария карточкаси.

## III. Рухсатномаларни бериш тартиби

12. Портловчи материалларни бир неча туркум қилиб олиб киришда ариза берувчи юкнинг бутун туркумига зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рухсатнома олиш тўғрисида битта ариза бериши мумкин.

Портловчи материалларни бир неча туркум қилиб олиб киришга рухсатнома юкнинг ҳар бир туркумига алоҳида расмийлаштирилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи материалларни олиб киришга рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза олингандан кейин зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига — маҳсулотларни олиб киришнинг мақсадга мувофиқ-

лиги ва Портлатиш ишларида хавфсизликнинг ягона қоидаларига, шу жумладан маркаш қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига — портловчи материалларни олиб кириш мумкинлиги ва ташишнинг мақбул йўналиши тўғрисида сўронома юборади.

«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг асосли хулосалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ўн кун муддатда тақдим этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олинган хулосалар асосида ўн беш кун муддатда портловчи материалларни олиб киришга рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади, тегишли рухсатнома беради ёки рухсатнома беришга асослари кўрсатилган рад жавобини йўллайди.

15. Портловчи материалларни олиб киришга рухсатномада қуйидагилар кўрсатилади:

ташувчи ташкилотнинг ва олувчи ташкилотнинг номи;

Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН, БМТ номенклатураси бўйича юкнинг хусусияти тўғрисидаги маълумотлар, модданинг классификация шифри;

портловчи материалларнинг микдори, маркаси ва номи;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш манзиллари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташиш йўналиши;

фойдаланиладиган транспорт тури (автомобиль транспортида ташишда — махсус автотранспортнинг маркаси ва давлат рақамлари);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳаракат қилишда юкни кузатиб бориш ва уни қўриқлаш тўғрисидаги умумий маълумотлар ва ташишнинг бошқа шартлари;

контрактлар амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тартиби ва муддатлари.

16. Портловчи материалларни олиб киришга рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг умумий муддати рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ва мазкур Низомда белгиланган бошқа ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмаслиги керак.

17. Портловчи материалларни олиб киришга рухсатнома берилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат чегараси орқали режалаштирилаётган ўтишдан камида 5 сутка олдин Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасини, портловчи моддаларни темир йўл транспортида ташишда эса — шунингдек Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини хабардор қилади.

18. Портловчи материалларни олиб киришга рухсатноманинг амал қилиш муддати 30 кундан ортиқ бўлмайди.

19. Рухсатнома бериш қуйидаги ҳолларда:

«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг асосланган хулосалари бўйича;

тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги, уларнинг белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги ёхуд улардаги тақдим этилган маълумотларнинг ишончсизлиги;

ариза қўриб чиқилганлиги учун ариза берувчи томонидан йиғим тўланмаганлиги;

табiiй ёки техноген хусусиятга эга бўлган фавқулдда вазиятлар ёки жамоат тартиби ва хавфсизлиги қўриқланиши таъминланиши манфаатларига хавф солувчи бошқа ҳолатлар пайдо бўлиши ёки пайдо бўлиш хавфи ҳолларида чиқарилади.

Рухсатнома бериш рад этилиши бундай қарор қабул қилингандан кейин икки кун муддатда рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда юборилади.

20. Берилган рухсатнома қуйидаги ҳолларда:

рухсатнома эгаси портловчи материалларни ташишни рад этган;

рухсатнома унинг берилиши тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тўлиқ бўлмаган ёки ишончли бўлмаган маълумотлар асосида берилган;

рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш вақтида ундан хабардор бўлиш уни бериш рад этилишига олиб келадиган ҳолатлар аниқланган;

табiiй ёки техноген хусусиятга эга бўлган фавқулдда вазиятлар ёки жамоат тартиби ва хавфсизлиги қўриқланиши таъминланиши манфаатларига хавф солувчи бошқа ҳолатлар пайдо бўлиши ёки пайдо бўлиш хавфи;

портловчи материалларни транспортда ташишнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолларида бекор қилиниши мумкин.

Рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги қарорда бекор қилишнинг асослари кўрсатилиши керак.

Бекор қилиш тўғрисидаги қарор зудлик билан рухсатнома эгасига, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасига, портловчи моддалар темир йўл транспортида ташилганда эса — шунингдек Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига юборилади.

#### IV. Якуний қоидалар

21. Берилган рухсатномалардан фойдаланиш ҳисобга олинишини юритиш учун ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига рухсатнома бериш чоғида белгиланадиган шакл ва муддатлар бўйича контрактлар амалга оширилишининг бориши тўғрисида ахборот тақдим этадилар.

22. Портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ариза берувчи рухсатнома олишни ёки портловчи материалларни ташишни рад этган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

23. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 220 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

### [Кўчирма]

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ўз фаолиятини «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўлиқ мувофиқ равишда ташкил этувчи алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги мувофиқлаштирувчи бошқарув органи ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, почта алоқаси, матбуот тарқатиш тармоқларини ривожлантириш, шунингдек замонавий талаблар ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ахборотлаштириш соҳасида стратегик устуворликларни шакллантириш ва амалга ошириш;

алоқа ва ахборотлаштириш тармоқ ва ҳудудий органлари ҳамда хизматлари ишларини, шунингдек стандартлаштириш, сертификатлаш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини лицензиялашни таъминлаш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида, шу жумладан маълумотлар узатишнинг замонавий воситалари, IP-технологиялар соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларини мувофиқлаштириш;

ахборот-коммуникация технологияларини ва ахборот тизимлари ҳамда ресурслари бозорини ривожлантириш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек давлат бошқаруви, фан ва таълим, бизнес, соғлиқни сақлаш соҳасида ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида ахборот айирбошлашнинг электрон шаклларига ўтиш дастурларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

телекоммуникациялар, почта алоқаси тармоқларида, телерадиоэфирда, ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилишнинг самарали воситалари ва усулларини жорий этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

ахборот тизимларини, телекоммуникация ва маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг минтақавий таркибий корхоналари негизда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон алоқа ва

ахборотлаштириш агентлигининг Агентликнинг вилоят бўлинмаларига тезкор раҳбарлик қилувчи ва улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Бошқармага Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қилади.

Худудий бошқармаларни ташкил этиш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Агентлик тизими бўйича бошқарув ходимларининг чекланган умумий сонини Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорида белгиланганга нисбатан 91 нафарга кўпайтиришга рухсат этилсин.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги худудий бошқармаларининг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорликда алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

радиочастоталардан самарали фойдаланилишини таъминлаш, телерадиоэшиттириш ва маълумотлар узатишнинг техник воситаларидан фойдаланишда суиистеъ-молчиликларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига барҳам бериш ишларини мувофиқлаштириш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия битимлари шартлари ва талаблари бажарилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш, почта алоқаси, телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш ва телерадиоэшиттириш тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни, шу жумладан профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий аппарати тузилмаси ҳамда худудий бошқармасининг намунавий тузилмаси, шунингдек Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низом 1, 1а, 2—4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 66 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 45 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида марказий аппарат тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Н. Арипов):

бир ой муддатда Агентлик худудий бошқармаларини юқори малакали кадрлар билан бутласин, уларнинг фаолияти қўйилган вазифаларга мувофиқ ташкил этилишини таъминласин;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш. Шоғуломов) билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган лицензия битимлари шартлари ҳамда назорат қилувчи органларнинг аниқланган қонун бузилишларини бар-тараф этиш юзасидан берилган ёзма кўрсатмалари улар томонидан бажарилиши мониторингини биргаликда олиб бориш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

телерадиоэшиттириш, ахборотларни ҳужжатлаштириш ва давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, давлат органлари ахборот тизимларини яратиш соҳасида частоталарни танлов асосида тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг расмий сайтларига қўйиладиган асосий талабларни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Адлия вазирлиги (А.А. Полвон-зода) билан биргаликда маълумотлар узатиш тармоқларида Интернет-провайдерларнинг тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигини, жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини беришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек радиомониторинг ўтказиш, телерадиоэфирда қонун бузилишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармаларининг уларга юкланган вазифаларни самарали бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви бошқа органлари, жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 7 май,  
215-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмаси**

### **I. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

### **II. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги ташкилотлар**

1. Давлат алоқа инспекцияси
2. Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси
3. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази
4. Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази
5. Радио алоқаси, радиоэшиттириш ва телевидение маркази
6. Электромагнит мослашув маркази
7. Республика махсус алоқа узели
8. Давлат фельдъегерлик хизмати
9. Махсус авария-тиклаш бошқармаси
10. Тошкент ахборот технологиялари университети
11. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси
12. «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази

13. «Гранит» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси
14. «ЎзПАК» маълумотларни узатиш тармоғи корхонаси

**III. Бошқариш уларнинг устав фондларидаги давлат улушига мувофиқ амалга ошириладиган хўжалик юритувчи субъектлар**


1. «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси
2. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси
3. «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

**IV. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатларига ва лицензия битимларига мувофиқ амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар**

### Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмаси




**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий  
аппаратининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 66 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 45 киши; техник ходимлар — 9 киши; хизмат кўрсатувчи ходимлар — 12 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармасининг намунавий тузилмаси



Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги жами 13 та ҳудудий бошқармалар маъмурий-бошқарув ходимлари чекланган умумий сони — 91 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисида НИЗОМ

#### И. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда «Агентлик» деб юритилади) алоқа, ахборотлаштириш ва радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасидага вазифаларни ҳал қилиш ва давлат сиёсатини ўтказиш учун ваколат берилган мувофиқлаштирувчи бошқарув органи ҳисобланади.

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Агентлик Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи функциясини бажаради.

2. Агентлик тизимида қуйидагилар киради:

алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида устувор ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳаларни, илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш масалалари бўйича — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси;

почта алоқаси ва телекоммуникация тизимлари ҳамда ахборот тизимлари ва воситалари, техник воситаларни сертификатлаш соҳасида тадқиқотлар, маркетинг ва мониторингни ташкил этиш бўйича — Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази;

Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати бўйича — Давлат алоқа инспекцияси;

Ўзбекистон Республикасининг радиочастота спектридан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича — Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси (идоралараро коллегиял орган);

алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, электрон тижорат, ахборот хавфсизлиги, иқтисодиёт ва менежмент соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича — Тошкент ахборот технологиялари университети;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг хат-хабарларини ҳамда дипломатик хат-хабарларни қабул қилиш, етказиб бериш бўйича — Давлат фельдъегерлик хизмати;

республика муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарининг махсус хат-хабарларини ва жўнатмаларини қабул қилиш, етказиб бериш бўйича — Республика махсус алоқа узели;

телекоммуникация тармоқларининг самарали фаолиятини мувофиқлаштириш ва таъминлаш, телекоммуникациялар ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш учун турли операторлар тармоқларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш тизимини яратиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида тармоқлардан устувор фойдаланиш бўйича — Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази;

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда телерадиодастурларни тарқатиш ва трансляция қилиш, радиоканаллар бўйича радио алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича — Радио алоқаси, радиоэшиттириш ва телевидение маркази;

радиочастоталардан фойдаланишга рухсатномалар бериш, электромагнит мослашувни ва радиочастота спектри мониторингини таъминлаш юзасидан радиочастота органи функцияларини бажариш бўйича — Электромагнит мослашув маркази;

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот, сервис ва кенг кўламда консалтинг хизматлари кўрсатиш соҳасида дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича — Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази;

тинчлик даврида ва алоҳида даврда Ўзбекистон Республикаси алоқа объектларида ва телекоммуникация тармоқларида авария-тиклаш ишларини бажариш, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни ҳарбийлаштирилган қўриқлашни таъминлаш бўйича — Махсус авария-тиклаш бошқармаси (ҳарбий тузилмаси);

давлат ва жамоат органларининг, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун маълумотлар узатиш, техник воситаларни жорий этиш, республика ягона ахборот маконининг коммуникация асосларини такомиллаштириш ва унинг жаҳон ахборот маконига кириши имкониятларини кенгайтириш бўйича — «ЎзПАК» маълумотларни узатиш тармоғи корхонаси;

радиотехника, радио алоқаси, телекоммуникацияни бошқариш тизимини, ҳисоблаш техникасини лойиҳалаш, реконструкция қилиш, ўрнатиш, созлаш, фойдаланишга топшириш, шу жумладан махсус мақсаддаги объектлар учун воситалар ва алоҳида буюмлар тайёрлаш бўйича — «Гранит» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентлик Халқаро электр алоқаси уюшмасида, Жаҳон почта уюшмасида ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодаловчи ваколатли орган ҳисобланади.

6. Агентликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармаларини моддий-техник таъминлаш, шунингдек ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Агентликка қарашли ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларни моддий-техник таъминлаш ҳамда улар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш давлат бюджети маблағлари (бюджетдан молиялаштириладиган ўқув юрти, махсус корхоналар, ҳарбий бўлинмалар), ўз маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

7. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## II. Агентликнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, радио алоқаси, радиоэшиттириш, телевидение, почта алоқаси, матбуот тарқатиш тармоқларини ривожлантириш, шунингдек ахборотлаштириш, ахборот ресурслари бозори ва радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида стратегик устуворликларни шакллантириш ва амалга ошириш, давлат томонидан самарали тартибга солиб боришни рўёбга чиқариш;

алоқа ва ахборотлаштириш тармоқ ва ҳудудий органлари ҳамда хизматлари ишларини, шунингдек стандартлаштириш, сертификатлаш ва хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятини лицензиялашни таъминлаш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида, шу жумладан маълумотлар узатишнинг замонавий воситалари, IP-технологиялар соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларини мувофиқлаштириш;

давлат органлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, давлат бошқаруви, фан ва таълим, бизнес, соғлиқни сақлаш соҳасида ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида ахборот айирбошлашнинг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

телекоммуникациялар ва почта алоқаси, телерадиоэшиттириш тармоқларида, ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилишнинг самарали воситалари ва усулларини жорий этиш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси мудофааси ва миллий хавфсизлиги манфаатлари йўлида ҳамда фавқулодда вазиятлар шароитларида улардан устувор фойдаланиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия битимлари, радиочастота спектридан самарали фойдаланиш ҳамда телекоммуникациялар, почта алоқаси, телерадиоэшиттириш тармоқларида ва ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишлари бажарилишини назорат қилиш ва ижросини текширишни ташкил этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳасида, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

радиоэлектрон воситалар ва телекоммуникация воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларига тармоқ стандартлари, техник шартлар ва талабларни белгиланган тартибда тасдиқлаш, давлат стандартлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқлашини, шунингдек халқаро стандартлар жорий этилишини ташкил этиш;

телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш, почта алоқаси тармоқларини ҳамда ахборот тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

монополияга қарши орган билан биргаликда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

стратегик устуворликларни, телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш, почта алоқаси, матбуот тарқатиш тармоқларини, ахборот ресурслари ва тизимлари бозорини ривожлантириш соҳасида давлат томонидан самарали тартибга солишни амалга оширишда ҳудудий бошқармаларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

9. Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг миллий дастурлари ва концепцияларини ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишни ташкил этади, минтақавий дастурларни ишлаб чиқишга ҳамда амалга оширишга қўмаклашади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги фаолият масалалари юзасидан қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

мамлакатнинг ягона ахборот маконини барпо этиш мақсадида давлат стандартларини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга белгиланган тартибда тақдим этади, халқаро стандартларни жорий этади, радиоэлектрон ҳамда телекоммуникациялар ва ахборот-коммуникация технологияларига тармоқ стандартларини, техник шартлар ҳамда талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

почта тўловининг давлат белгилари намуналарини тасдиқлайди ва уларни нашр этиш, жорий қилиш ва муомаладан олиб қўйиш тартибини белгилайди;

почта индексларини, ёзма хат-хабарларни олиш частотаси нормативларини, шунингдек почта жўнатмалари ўтишининг операторлар ва провайдерлар учун мажбурий бўлган назорат муддатларини тасдиқлайди;

телекоммуникациялар тармоқларига уланиш, операторлар, провайдерлар томонидан ўзаро хизматлар кўрсатиш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва шартларини тасдиқлайди;

ахборот технологияларини, алоқа тармоқлари ва хизматларини, тармоқ стандартлари ва техник шартларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг илмий ҳамда маркетинг тадқиқотлари ва мониторинги бўйича ишларни, ахборот-коммуникация технологияларининг мамлакатимизда ва жаҳонда ривожланиши тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил этишни ташкил этади ҳамда улар бўйича маърузалар тайёрлайди;

давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобига яратилган ахборот ресурсларини, шунингдек давлат сирларига ва махфий ахборотга эга бўлган ресурсларни шакллантириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш, шунингдек радиотўсиқларни, шу жумладан индустриал радиотўсиқларни бартараф этиш ишларини ташкил қилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг алоқа ҳамда ахборот тизимлари ва воситалари тармоқларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши бўйича фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш қоидалари ва тартибини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

телекоммуникациялар соҳасида фаолиятнинг айрим турларини белгиланган тартибда лицензиялашни амалга оширади;

телефон рақамларини белгилаш, рақамлар ажратиш режасини ва тизимини тасдиқлайди, телекоммуникациялар тармоқларини рақамлаш ресурсларидан фойдаланишни, Интернет тармоғининг миллий сегментини аниқ адресли маконда тарқатишни ҳисобга олади ва назорат қилади;

почта алоқаси, телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш тармоқлари ва воситалари, ахборот тизимлари ва ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилайди ҳамда норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг техник кучлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда мудофаа қобилятини ва миллий хавфсизликни, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги алоҳида муҳим ҳамда тоифаланган объектларнинг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда почта алоқаси ва телекоммуникацияларнинг универсал хизматлари рўйхатини, уларнинг сифатига қўйиладиган та-

лабларни белгилайди, почта алоқаси ва телекоммуникацияларнинг универсал хизматларига тарифларни тасдиқлайди;

фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда телекоммуникацияларнинг айрим хизматлари рўйхатини белгилайди ва уларга ҳамда тармоқлараро уланишларга тарифларни келишиб олади;

ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларида фойдаланиш учун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишни ташкил қилади ҳамда уларни иқтисодиёт тармоқларида жорий этади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат органлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларини яратишга, дастурий маҳсулотлар, ахборот ресурслари, хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга қўмаклашади;

давлат монополияга қарши органи билан биргаликда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун тенг шароитлар яратишга, рақобатни ривожлантиришга ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўмаклашади;

Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар билан биргаликда радиочастота спектрини тақсимлаш, ундан фойдаланиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишда давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг алоқа ва ахборотлаштириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида халқаро фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органи сифатида иш қўради, Халқаро электр алоқаси уюшмаси, Жаҳон почта уюшмаси ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларнинг конгресслари, съездлари, конференцияларида Ўзбекистон Республикаси номидан қатнашади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро ҳамда ҳукуматлараро битимлар ва шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида, белгиланган тартибда халқаро идоралараро битимлар ва шартномалар тузади;

инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамда почта алоқаси, телекоммуникациялар, телерадиоэшиттириш воситалари ва тармоқларини, ахборот тизимлари ва технологияларини, радиомониторингнинг техник воситаларини, дастурий маҳсулотларни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этишда қатнашади, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган хизматларни, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашни, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш учун халқаро молия институтлари, хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш учун инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан тендерлар, танловлар ва савдоларни ташкил этади ва уларни ўтказишда қатнашади;

ҳудудий бошқармалар, ўзига қарашли давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари ишига бевосита раҳбарлик қилади, улар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия битимларининг, радиочастота спектрдан фойдаланишнинг, почта алоқаси ва телекоммуникациялар, маълумотларни узатиш, телерадиоэшиттириш тармоқларида, давлат бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимларида хавфсизлик бўйича техник ва технологик талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан, шу жумладан жойларда фойдаланиш соҳасида мониторинг ўтказиш, қонун бузилишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тузилмани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

Агентлик тизимининг сафарбарлик режасини, давлат захирасига моддий воситалар жамлаш тузилмаси, таркиби, нормалари ва режасини ишлаб чиқади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини алоқа билан таъминлаш учун ҳарбий қисм кучлари ва воситалари билан авария-тиклаш ишлари бажарилишини, Агентлик тизимининг алоҳида муҳим объектлари қўриқланишини ташкил этади;

телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш, почта алоқаси, матбуот тарқатиш тармоқларини, ахборот ресурслари ва тизимлари бозорини ривожлантириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишда, давлат томонидан самарали тартибга солиб боришни рўёбга чиқаришда ҳудудий бошқармаларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ҳамда уни мувофиқлаштиришни ташкил қилади;

Агентлик тизимига кирувчи бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ўқув юртлари, махсус корхоналар, ҳарбий бўлинмаларнинг бюджетдан молиялаштирилишини ташкил этади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ўқув юртларининг алоҳида иқтидорли талабалари учун Агентликнинг стипендияларини белгилайди.

10. Қўйидагилар Агентлик ҳудудий бошқармаларининг вазифалари ҳисобланади:

минтақаларда алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантириш дастурларининг ҳудудий даражада амалга оширилишини, лицензия битимларининг бажарилишини, радиочастота спектрдан фойдаланиш самарадорлигини, шунингдек ахборот ва почта хавфсизлиги талаблари бажарилишини таҳлил қилиш;

телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензиялар олиш учун минтақавий талабгорлардан ҳужжатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан расмийлаштирилган лицензиялар ва бошқа ҳужжатларни бериш;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда тегишли давлат бошқаруви органлари билан радиочастота спектрдан хавфсиз ва оқилона фойдаланиш, телевидение ва радио дастурларини тарқатиш, маълумотларни узатиш бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

алоқа объектлари ва корхоналари қўриқланишини, радиочастота спектрдан фойдаланиш самарадорлигини, почта, телекоммуникация, маълумотларни узатиш ва телерадиоэшиттириш тармоқларида, ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш.

11. Ҳудудий бошқармалар ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришнинг минтакавий дастурлари бажарилиши мониторингини ташкил қилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг алоқа тармоқлари, ахборотлаштириш тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда уларнинг фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия талабларини, ахборот ва почта хавфсизлиги талабларини, телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро ва халқаро тармоқларини бошқариш органи талабларини бажариш бўйича фаолиятини текширишда қатнашади;

идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг техник кучлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда муҳофаза қилиш ва миллий хавфсизликни, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги алоҳида муҳим ҳамда тоифаланган объектларнинг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда комплекс чора-тадбирларни бажаришда қатнашади;

радиочастота спектрини тақсимлаш, ундан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашда ва ушбу соҳада қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишда қатнашади;

радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш мониторинги, шунингдек радиотўсиқларни, шу жумладан индустриал радиотўсиқларни, қонун ҳужжатларида тақиқланган ахборотларни тарқатиш учун телерадиоэшиттириш ва маълумотлар узатишнинг техник воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолчиликларни бартараф этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

почта алоқаси ва телекоммуникациялар, маълумотларни узатиш, телерадиоэшиттириш тармоқларида, ахборот тизимларида хавфсизлик бўйича техник ва технологик талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мониторинг ўтказиш, қонун бузилишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

сафарбарлик режаларини ишлаб чиқишда қатнашади, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини алоқа билан таъминлаш, алоҳида муҳим объектларни қўриқлаш учун авария-тиклаш ишларини бажаришни ташкил қилади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот ресурслари ҳамда тизимларини шакллантириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

почта алоқаси, телекоммуникациялар, телерадиоэшиттириш тармоқлари ва воситалари, ахборот тизимлари ва ресурслари, радиочастота спектрдан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатларни бажариш тадбирларини амалга оширади;

давлат монополияга қарши органи ҳудудий тузилмалари билан биргаликда табиий монополист субъектлар фаолияти мониторингида қатнашади, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида рақобатни ривожлантиришга ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўмаклашади.

12. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий бошқармалар, ўзига қарашли ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар орқали ҳал қилади.

### III. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

13. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, вазирликлар ва идоралардан, хўжалик юритувчи субъектлардан Агентлик ваколатига тааллуқли масалаларга доир зарур ахборотларни сўраб олиш;

Ўзбекистон Республикасида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишга рухсатномалар бериш, шунингдек радиочастота спектридан фойдаланишни тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва чеклаш;

Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва давлат бошқаруви органларига белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

фавқулодда вазиятларда (ҳарбий ҳаракатлар, зилзила, сув тошқини, ёнғин, эпидемияларда ва бошқаларда) почта алоқаси, телекоммуникациялар ва ахборот тизимларининг ҳар қандай тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, шунингдек уларнинг фаолият кўрсатишини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар белгиланган стандартларга ва техник нормаларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, фуқароларнинг хавфсизлигини, атроф муҳит муҳофазасини таъминламаганда, радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўланмаганда, шунингдек алоҳида ҳолатларда улардан фойдаланишни белгиланган тартибда тақиқлаш;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида белгиланган тартибда халқаро идораларaro шартномалар тузиш;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотларга Ўзбекистон Республикасининг аъзолик бадалларини тўлаш учун алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ташкилотлар ва компанияларнинг ихтиёрийлик асосида берилган маблағларини жамлаш.

Агентлик почта тўлови давлат белгиларини муомалага чиқариш ва муомаладан олиб қўйиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эгадир.

Агентлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Агентлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Агентлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

15. Агентлик алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг таъминланиши, шунингдек ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

### IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

16. Агентликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қилади.

Бош директорнинг ўринбосарлари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади, уларнинг сонини белгилаш ва уларни лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Бош директор мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирига, бош директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига тенглаштирилади.

17. Агентликнинг бош директори бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссиясининг раиси ҳисобланади.

18. Агентликнинг бош директори:

Агентлик фаолиятига яққабощчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради,

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, ҳудудий бошқармалар, Агентлик тизимидаги давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилайди, Агентлик фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик ва ҳудудий бошқармалар, Агентликка қарашли ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар иши учун ўз ўринбосарларининг, бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Агентлик тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармаларнинг тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини, шунингдек Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар, бюджетдан молиялаштирилаётган ўзига қарашли давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Агентлик бўлимлари, ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни, Агентлик тизимига кирувчи ўзига қарашли ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар тўғрисидаги низомларни (уларнинг уставларини) белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Агентлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар, Агентлик тизимига кирувчи ўзига қарашли ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

19. Агентликда таркибига бош директор — (раис), бош директор ўринбосарлари (лавозимига кўра) ҳамда Агентлик тизимидаги бошқа раҳбар ходимлар киратилган 11 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби бош директор тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Агентлик ҳайъати Агентлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Агентлик бўлимлари, ҳудудий бошқармалар, Агентликка қарашли ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Агентликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантириш, илмий-техника ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш, идоралараро ва давлатлараро алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари бош директор буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади. Бош директор билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда бош директор ўз қарорини ҳаётга жорий этади. Бош директор келиб чиққан келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради.

20. Худудий бошқармалар ўз фаолиятини Агентлик томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадilar.

Худудий бошқармаларга Агентлик бош директори томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқлар бошчилик қиладilar.

Худудий бошқармалар номи:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Жиззах вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Навоий вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Наманган вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Самарқанд вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирдарё вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Тошкент вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фарғона вилояти худудий бошқармаси;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Хоразм вилояти худудий бошқармаси;

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## **I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 31 июлдаги 380-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг махсус авария-тиклаш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 1 июлдаги 274-сон қарори 6-бандининг биринчи хатбоши.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 52-сон қарорига илова II бўлимининг 1-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интер-

нетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасида провайдерлар ва абонентларнинг маълумотларни узатиш миллий тармоғидан ахборот олиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарорига 2-илова.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 30 июндаги 253-сон қарорига 5-илованинг 2-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 27 декабрдаги 488-сон қарорига 4-илованинг 1-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига 3-илова.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига 1-илова ва 5-илованинг 12-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 27 сентябрдаги 336-сон қарорининг 3-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 декабрдаги 469-ф-сон фармойиши.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарорига 5-илованинг 2, 5 ва 6-бандларидаги Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига кўрсатмалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасида провайдерлар ва абонентларнинг маълумотларни узатиш миллий тармоғидан ахборот олиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарорида:

қарорнинг номидан «ва Ўзбекистон Республикасида провайдерлар ва абонентларнинг маълумотларни узатиш миллий тармоғидан ахборот олиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-бандда:

иккинчи хатбошидан «1» рақами чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

2-банддаги «мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган Низом ва Қоидаларга» сўзлари «мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган Низомга» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги кўрсатиб ўтилган ҳужжатда баён қилинган қоидалар ва талабларга риоя қилиниши устидан назоратни таъминласинлар»;

1-иловада:

грифдан «1» рақами чиқариб ташлансин;

5-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳужжатлаштирилган ахборот — идентификация қилиш имконини берувчи реқвизитлари бўлган материал манбаида қайд этилган ахборот»;

учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Оммавий ахборот — омма учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, матбуот, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар»;

бешинчи хатбоши иккита хатбоши шаклида қўйидаги мазмунда баён қилинсин:

«Ахборот ресурслари — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборотлар, маълумотлар банклари, маълумотлар базаси»;

«Ахборот тизими — ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш, ишлаш ва улардан фойдаланиш имконини берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган йиғиндиси»;

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ахборот ресурслари ёки ахборот тизимлари эгаси — ахборот ресурслари ёки ахборот тизимларига эгалик қилишни, улардан фойдаланишни ва уларни тасарруф этишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар»;

ўн тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ахборот хавфсизлиги — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлиги ҳолати»;

6-банднинг биринчи ва иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Ахборот ресурслари оммавий ва хусусий мулк бўлиши мумкин.

Давлат ахборот ресурслари давлат органларининг ахборот ресурсларидан; юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобига яратилган ахборот ресурсларидан; юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирларига ва махфий ахборотларга эга бўлган ахборот ресурсларидан; юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда бериладиган ҳужжатлаштирилган ахборотларидан шакллантирилади»;

8-банднинг иккинчи хатбошидаги «Фуқаролар тўғрисидаги ахборот (шахсий маълумотлар)» сўзлари «Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг 11.2-кичик бандидан «миллий» сўзи чиқариб ташлансин;

24-бандда:

иккинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги ахборотларни Интернет орқали тарқатишни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги мувофиқлаштириб боришади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 13 сентябрдаги 418-сон қарорига 2-иловадаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент телеминорасининг узатувчи радиотелевизион комплексини замонавийлаштириш ва ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 ноябрдаги 440-сон қароридаги «Радиоалоқалар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар корхонаси» сўзлари «Радио алоқаси, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарори 1-бандидан тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорида:

1-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

4-илованинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Комиссия Ўзбекистон Республикаси радиочастота спектрларидан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида ишларни мувофиқлаштирувчи идоралараро коллегиял орган ҳисобланади»;

5-илованинг 7-бандидан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 3-илованинг «Алоқа ва ахборотлаштириш комплекси» номли VIII бўлимида:

72-банднинг 2-устунига «Худудий органлар (вилоят бўғинлари)» сўзлари ва кўрсатилган позиция рўпарасига 6-устунга «91» рақами қўшилсин, 6-устундаги «439» рақами «530» рақами билан алмаштирилсин;

75-банднинг 6-устунидаги «2806» рақами «2897» рақами билан, «875» рақами «966» рақами билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **221 «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

белгиланган стандартлар, методикалар, қоидалар, контрактлар, шартномаларга ҳамда республика ҳудудида пахта толасини ишлаб чиқариш ва сақлаш жойларида унинг сифатига қўйиладиган талабларни назарда тутувчи бошқа битимларга мувофиқ пахта толасини сертификатлаш ва унинг сифатини назорат қилиш;

республика пахта тозалаш заводларида пахта толаси туркумлари массасини назорат қилиш;

жаҳон бозори ва ички бозор талабларига мувофиқ пахта толасини сертификатлаш ва унинг сифатини назорат қилиш тизимини ривожлантириш ва таъминлаш бўйича амалий ва илмий фаолиятни амалга ошириш;

пахта тозалаш саноати корхоналарини, пахта толаси ва момик харидорларини ва бошқа ташкилотларни сертификатладиган маҳсулотнинг стандарт намуналари билан таъминлаш;

пахта маҳсулотини сертификатлаш, таснифлаш, синаш усуллари бўйича мутахассислар тайёрлаш.

## 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 100 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 49 нафар этиб белгилансин.

Марказ бош директорида, зарурият бўлганда, Марказ марказий аппаратининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони ва уларнинг таъминоти учун ажратиладиган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.


4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 20 мартдаги 122-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 3-сон, 11-модда) 2, 3, 4 ва 8-бандлари ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 7 май,  
220-сон

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат»  
Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг ташкилий ва  
марказий аппарати тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 7 майдаги 220-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат»  
Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази (кейинги ўринларда матнда Марказ деб аталади) Ўзбекистон Республикасида пахта толасини сертификатлаш ва унинг сифатини назорат қилиш органи ҳисобланади.

Марказ ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Марказ тизимига юридик шахс мақомига эга бўлмаган Марказий инспекция ва назорат лабораторияси ҳамда минтақавий синов лабораториялари киради.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Марказ ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказ ва унинг минтақавий бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш, Марказ тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш пахта толасини сертификатлаш ишларини бажаришдан тушадиган маблағлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

6. Марказ юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**II. Марказнинг вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) белгиланган стандартлар, методикалар, қоидалар, контрактлар, шартномаларга ҳамда республика ҳудудида пахта толасини ишлаб чиқариш ва сақлаш жойларида унинг сифатига қўйиладиган талабларни назарда тутувчи бошқа битимларга мувофиқ пахта толасини сертификатлаш ва унинг сифатини назорат қилиш;

б) республика пахта тозалаш заводларида пахта толаси туркумлари массасини назорат қилиш;

в) жаҳон бозори ва ички бозор талабларига мувофиқ пахта толасини сертификатлаш ва унинг сифатини назорат қилиш тизимини ривожлантириш ва таъминлаш бўйича амалий ва илмий фаолиятни амалга ошириш;

г) пахта тозалаш саноати корхоналарини, пахта толаси ва момиқ харидорларини ва бошқа ташкилотларни сертификатладиган маҳсулотнинг стандарт намуналари билан таъминлаш;

д) Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотлари билан тузилган битимларига мувофиқ лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиш;

е) пахта маҳсулотини сертификатлаш, таснифлаш, синаш усуллари бўйича мутахассислар тайёрлаш.

8. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) пахта толаси ва уни қайта ишлашдан олинadиган бошқа маҳсулотларга давлат стандартларини ишлаб чиқишда қатнашади;

б) сертификатлаш тартибини белгиловчи норматив-техник, ташкилий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқади ва янгилайди;

в) сертификатлашга буюртмалар қабул қилади ва пахта толаси сифатини назорат қилади;

г) пахта толаси ташқи кўринишининг стандарт намуналарини тайёрлайди;

д) пахта толаси сифатини аниқлаш методларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан тегишли илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

е) пахта маҳсулотларини сертификатлаш, таснифлаш ва синаш усуллари бўйича мутахассислар тайёрлайди, ўқитишнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқади;

ж) пахта маҳсулотини сертификатлаш соҳасида республикада ва унинг ташқарисида пахта толасини ишлаб чиқарувчилар, ташқи савдо ташкилотлари ва пахта маҳсулотлари истеъмолчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

з) ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

9. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бевосита ва минтақавий синов бўлинмалари орқали ҳал қилади.

### III. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

а) республикадаги ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун мажбурий бўлган пахта толасининг миллий ва халқаро стандартларга мувофиқлик сертификатларини белгиланган тартибда бериш;

б) пахта толасини экспортга етказиб бериш жараёнида унинг сифатига баҳо берилаётганда, сифат масалалари кўриб чиқиляётганда хорижий ва халқаро ташкилотларда республика манфаатларини ифодалаш;

в) меҳнатга ҳақ тўлаш, уни ташкил этиш ва нормалаш шакллари ва тизимини белгилаш;

г) банк ва тижорат кредитларидан фойдаланиш;

д) республикада ва чет элларда ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган битишувларни ва бошқа юридик ҳужжатларни тузиш ва хатти-ҳаракатларни содир этиш;

е) ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бинолар қуриш, сотиб олиш, ўзгага бериш, ижарага олиш, кирага олиш ва бериш;

ж) республикада ва чет элларда мустақил равишда ёки ватанимиздаги ёки хорижий шериклар билан пай асосида филиаллар, бўлимлар, ваколатхоналар ва шу кабиларни таъсис этиш;

з) корхона ва ташкилотларга, уларнинг ишлаб чиқариш биноларига, омборларига кириш, синаш, сертификатлаш ёки сифатнинг стандартларга ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат (инспекция) қилиш учун тегишли пахта маҳсулоти намуналарини танлаб олиш;

и) корхоналар ва ташкилотлардан хом ашё ва пахта толаси сифати масалалари бўйича ахборотни белгиланган тартибда олиш;

к) пахта маҳсулотини стандартлаш ва сертификатлаш масалаларини ҳал қилиш учун мутахассисларни жалб қилиш;

л) пахта толаси сифатини текшириш натижалари бўйича ҳужжатлар тузиш ҳамда тегишли корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига амалдаги стандартлар бузилишининг аниқланган ҳолларини бартараф этиш юзасидан таклифлар бериш;

м) республикада ва чет элда «ноу-хау» ҳамда пахта маҳсулотини стандартлаш, сертификатлаш ва сифатини назорат қилиш бўйича бошқа илмий ютуқларни харид қилиш аа белгиланган тартибда сотиш.

11. Марказ ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### IV. Марказ фаолиятини ташкил этиш

12. Марказга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қилади.

Бош директор мақомига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади, унинг икки нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

13. Бош директор:

Марказ фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади;

Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Марказ тизимининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини, Марказ фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш юзасидан ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Марказ тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

зарурият бўлганда ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Марказ марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, унинг штат жадвалини, шунингдек Марказ марказий аппарати ва унинг минтақавий синов лабораторияларининг ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

Марказ марказий аппарати ва унинг бўлинмалари ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Марказда 7 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади, унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Марказ ҳайъати Марказ фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Марказ таркибий бўлинмалари ва минтақавий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Марказнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари бош директорнинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади. Бош директор билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққанда бош директор ўз қарорини амалга оширади. Юзага келган келишмовчиликлар тўғрисида бош директор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради.

15. Марказни тугатиш ёки қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **222** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги мажлисининг 1-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда пудрат қурилиш ташкилотларини кредитлаш механизмини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 май,  
226-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 12 майдаги 226-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомда:

16-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

18-банддаги «шунингдек объект қурилиши жараёнида пудратчи ташкилотга берилган банк кредитлари бўйича фоизлар тўлаш» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

39-банддаги «шу жумладан кредит олиш ва улар бўйича пудрат қурилиш ташкилотлари томонидан фоизлар тўлаш билан боғлиқ харажатлар коплангандан» сўзлари чиқариб ташлансин;

47-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«47. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини кредитлашда қуйидагилар тижорат банкининг кредит ресурслари манбалари ҳисобланади:

тасдиқланган Инвестиция дастури бўйича капитал қўйилмаларни молиялаштириш лимити доирасида марказлаштирилган манбалардан маблағларнинг (аванс тўлангандан ва 50 фоиз миқдорида жорий молиялаштирилгандан кейин) пудрат қурилиш ташкилотининг асосий депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи бош банкка вақтинчалик асосида ойма-ой бериладиган қолган қисми;

хизмат кўрсатувчи банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинадиган маблағлари».

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
«ЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ» УЮШМАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**223 Биржа савдоларида ўсимлик мойини сотиш тартиби  
тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
11 майда 1350-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 21 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Биржа савдоларида ўсимлик мойини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
25-сон

**Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
01/24-18-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
46-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси бошқаруви раиси М. ХУДОЁРОВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
01/1-10-сон

Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
42-01/156-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
«КўМИР» АЖ  
«ЎЗДАВЭНЕРГОНаЗОРАТ»  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 224 Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
11 майда 1351-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 21 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
27-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
01/24-19-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
59-сон

**«Кўмир» АЖ бошқаруви раиси А. КЛИМЕНКО**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
01-12/56-сон

**«Ўздавэнергоназорат» раиси Б. ТЕШАБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
БТ-01-02/464-сон

**Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
42-01/171-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АИБ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**225** **Биржа савдоларида қора металллар прокатини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 11 майда 1352-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 21 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Биржа савдоларида қора металллар прокатини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
28-сон

**Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
01/24-20-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
58-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

«Ўзметкомбинат» АИБ Бош директори А. ФАРМОНОВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
01-1/74-сон

Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 апрель,  
42-01/172-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **226 Республика ҳудудида маҳаллий, идоравий, ҳудудий ва бошқа ахборот-ҳисоблаш тармоқларини тузиш, жорий этиш ҳамда фойдаланиш тартиби ва қоидалари тўғри- сидаги низом давлат реестридан чиқариш ҳақида**

*(2004 йил 12 майда давлат реестридан чиқарилди)*

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Адлия вазирлигининг 2004 йил 5 майдаги ҳулосасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 31 январда 120-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Республика ҳудудида маҳаллий, идоравий, ҳудудий ва бошқа ахборот-ҳисоблаш тармоқларини тузиш, жорий этиш ҳамда фойдаланиш тартиби ва қоидалари тўғрисида»ги низом давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар маркази мазкур ҳужжатнинг давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Р.М. Каримов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Б.М. Тойжонов) мазкур буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосари Х.М. Содиқов зиммасига юклатилсин.

**Вазир А. ПОЛВОН-ЗОДА**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 май,  
108-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**227** Ахборот-компьютер тармоқлари тузиш лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги низомни давлат реестридан чиқариш ҳақида

*(2004 йил 12 майда давлат реестридан чиқарилди)*

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Адлия вазирлигининг 2004 йил 5 майдаги ҳулосасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 31 январда 121-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ахборот-компьютер тармоқлари тузиш лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини экспертизадан ўтказиш тўғрисида»ги низом давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар маркази мазкур ҳужжатнинг давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Р.М. Каримов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Б.М.

Тойжонов) мазкур буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосари Х.М. Содиқов зиммасига юклатилсин.

**Вазир А. ПОЛВОН-ЗОДА**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 май,  
109-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
«ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **228 Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси аукцион савдоларида пахта момифини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 майда 1353-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси аукцион савдоларида пахта момифини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
26-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда бериллади.

**Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
01/24-17-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
47-сон

**«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Э. ЗИКРИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
10/773-А-сон

**Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 апрель,  
42-01/155-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» АК  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ-АШЁ БИРЖАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**229 Биржа савдоларида оқишоқни сотиш тартиби тўғри-  
сидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 майда 1354-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

1. Биржа савдоларида оқишоқни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 апрель,  
31-сон

**Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 апрель,  
01/24-23-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 апрель,  
62-сон

**«Ўздонмахсулот АК раиси И. НАЖМИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 апрель,  
451-сон

**Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси  
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 апрель,  
42-01/193-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 8 майдан 14 майгача бўлган маълумот**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Биржа савдоларида ўсимлик мойини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 5 апрелдаги 25, 01/24-18, 46, 01/1-10, 42-01/156-сон қарори.*

**2004 йил 11 майда 1350-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 21 майдан кучга киради).**

2. «Биржа савдоларида кўмирни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Кўмир» АЖ, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 8 апрелдаги 27, 01/24-19, 59, 01-12/56, БТ-01-02/464, 42-01/171-сон қарори.*

**2004 йил 11 майда 1351-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 21 майдан кучга киради).**

3. «Биржа савдоларида қора металллар прокатини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АИБ, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 8 апрелдаги 28, 01/24-00, 58, 01-1/74, 42-01/172-сон қарори.*

**2004 йил 11 майда 1352-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 21 майдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржаси аукцион савдоларида пахта момигини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 5 апрелдаги 26, 01/24-17, 47, 10/773-А, 42-01/155-сон қарори.*

**2004 йил 12 майда 1353-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 майдан кучга киради).**

5. «Биржа савдоларида оқишоқни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздонмахсулот» АК, Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасининг 2004 йил 14 апрелдаги 31, 01/24-23, 62, 451, 42-01/193-сон қарори.*

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

*2004 йил 12 майда 1354-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 майдан кучга киради).*

6. «Чегара районларини мувофиқлаштириш ва ўзаро алоқаси таъминлаш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи штаб тўғрисида низом ва Домий фаолият кўрсатувчи хар бир штабнинг шахсий мансаб таркибини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 28 апрелдаги 9/456, 1/204, 1, 0149, 01-02/1-24-сон қарори (ХФУ).*

*2004 йил 13 майда 1355-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 23 майдан кучга киради).*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Республика ҳудудида маҳаллий, идоравий, ҳудудий ва бошқа ахборот-ҳисоблаш тармоқларини тузиш, жорий этиш ҳамда фойдаланиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низом ва 1-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (31.01.1995 й., рўйхат рақами 120; 21.02.2001 й., рўйхат рақами 120-1).*

*Адлия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 108-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Ахборот-компьютер тармоқлари тузиш лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини экспертизадан ўтказиш тўғрисида низом ва 1-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (31.01.1995 й., рўйхат рақами 121; 27.02.2001 й., рўйхат рақами 121-1).*

*Адлия вазирининг 2004 йил 12 майдаги 109-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 26 апрелдаги 13/1-3416, 15-29/1047-сонли қўшма хати.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**